

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Бозоров	
Андижоннинг суғорилиш тарихига доир мулоҳазалар	81
У.Усаров	
XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари.....	85
Б.Шодмонов	
Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқишининг тарихий босқичлари.....	90

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров	
“Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси.....	98
Г.Қосимова	
Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли	102
Б.Абдурахмонова	
Огаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш	105
В.Қаюмов, Б.Дехқонов	
У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи.....	110
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм)	114

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова	
Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник модели гапларнинг ўрни	119
З.Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида.....	124

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.Ахмедова	
Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида касбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари	128
М.Шокирова, Н.Абдуллаева	
Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви.....	132
У.Хайдарова	
Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти	136

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизикли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала	140
В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова	
Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиagonal матрицавий элементлари ҳақида	143
Х.Муйдинов	
Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши	147
Б.Усманов, Ш.Умурзакова	
Буғдой навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари	150
Ф.Юлдашев, Д.Обидова	
Ёшлар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари	153
А.Мамаджанов	
Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси	156
М.Шамсиева	
Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида	159

УДК: 63+631.587+333.93

**ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИ**

**СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО И ЗЕМЕЛЬНО-ВОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ В
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ ХІХ - НАЧАЛЕ ХХ ВЕКОВ**

**THE INTERRELATIONS OF THE AGRICULTURE AND LAND-WATER RESOURCES IN
SAMARKAND REGION IN THE SECOND HALF OF THE ХІХ AND THE BEGINNING OF THE
ХХ CENTURIES**

У.Усаров

Аннотация

Мақолада Самарқанд вилоятининг ХІХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари бир қатор манбалар, адабиётлар ҳамда илмий-тадқиқот ишлари асосида очиб берилган. Мақолада вилоятнинг асосий суғориш манбаи ҳисобланган Зарафшон дарёси, унинг ирмоқлари ва бошқа сув тармоқлари ҳақида маълумотлар бериб ўтилган. Вилоят ҳудудидаги суғорма деҳқончилик анъаналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари, уларни экиш қодалари, суғориш тартиблари, ҳосил йиғиб олиш вақти ва унинг кўрсаткичлари келтирилган. Шунингдек, мақолада Россия империясининг Самарқанд вилоятида ўзининг мустамлакачилик манфатларидан келиб чиққан холда олиб борган аргар сиёсати ва унинг оқибатлари таҳлил қилинди.

Аннотация

В данной статье на основе ряда источников, литературы и научных исследований раскрыты сельскохозяйственные и земельно-водные отношения в Самаркандской области во второй половине ХІХ - начале ХХ веков. В статье приводится информация о реке Зарафшан, ее притоках и других водных системах, являющихся основным источником орошения в регионе, о традициях поливного земледелия в регионе, видах сельскохозяйственной продукции, правилах их возделывания, процедурах полива и сроках сбора урожая. В статье также проанализирована аграрная политика Российской империи в Самаркандской области, основанная на ее колониальных интересах.

Annotation

This article analyzes agricultural and land-water relations in the second half of the 19th and early 20th centuries of Samarkand province on the basis number of sources, literature and research studies. The article provides information about the Zarafshan River, which was the region's main source of irrigation, its tributaries and other water systems. There were presented traditions of irrigated agriculture in the region, types of agricultural products, rules of their cultivation, irrigation procedures and harvest time. The article also analyzes the agrarian policy of the Russian Empire which is connected with colonial interests in the Samarkand region and its consequences.

Таянч сўз ва иборалар: Самарқанд вилояти, Россия империяси, Зарафшон дарёси, Қорадарё, Оқдарё, канал, ариқ, қишлоқ хўжалиги, суғорма деҳқончилик, лалми ерлар, пахта, буғдой, шоли, жўхори, боғдорчилик, узум, пуд, десятина, таноб, қўш.

Ключевые слова и выражения: Самаркандская область, Российская империя, река Зарафшан, Карадарья, Акдарья, канал, арык, сельское хозяйство, орошаемое земледелие, богарные площади, хлопчатник, пшеница, рис, кукуруза, садоводство, виноград, пуд, десятина, танап, стан.

Keywords and expressions: Samarkand region, Russian empire, Zarafshan river, Karadarya, Akdarya, canal, ditch, agriculture, irrigated farming, non irrigated lands, cotton, wheat, rice, corn, gardening, grape, pood, tithe, tanob, kosh.

Самарқанд Зарафшон воҳасининг қадимдан деҳқончилик маданияти юксак ривожланган унумдор тупроқли, серсув ҳудудларидан биридир. Ушбу ҳудудда маҳаллий миришкор деҳқонларнинг оғир ва машаққатли меҳнати туфайли ўзлаштирилган ерларда суғорма деҳқончилик қадимдан тараққий этган. Бу ерларда буғдой, арпа, шоли, тарик, кунжут, жўхори, ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экилган ҳамда

улардан йилига 2-3 мартагача юқори ҳосил олинган. ХІХ асрнинг ўрталарида Самарқанд ҳудуди Бухоро амирлиги таркибидаги қишлоқ хўжалиги энг тараққий этган ва юқори ҳосил олинувчи, табиий ресурсларга бой бўлган беқликлардан бири эди.

ХІХ асрнинг иккинчи ярмига оид қатор манбаларда Самарқанд вилояти иқтисодий ҳаётининг асосини ташкил этувчи қишлоқ хўжалиги, суғорма деҳқончилик анъаналари ва тармоқлари тўғрисида кўплаб маълумотлар келтирилган.

У.Усаров – ЎзМУ Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти.

Жумладан, Н.М.Вирскийнинг маълумотларига кўра, «Самарқанд вилояти юқори Зарафшон ва унинг ирмоқлари атрофларидаги ҳудудларида жойлашган бўлиб, бу ҳудудда 6,828 десятина ўзлаштирилган ерлар, кўп жиҳатдан сунъий суғорилишга мослаштирилган ва бу ерлар маҳаллий аҳолининг асрлар давомида тинимсиз ва машаққатли меҳнати эвазига яратилган» [1,7-8], деб таъкидланган. Шунингдек, Н.М.Маев ҳам ўзининг «От Ташкента до Катты – Кургана» номли мақоласида юқори Зарафшон воҳаси жойлашган Самарқанд ҳудуди ҳақида маълумотлар берган. Масалан, «Бу дарё атрофида яшаган халқлар унинг сувидан ўз ерларини суғоришда кенг фойдаланишган. Самарқандга кираверишдаги Чўпонота тепалигидаги Каттақўрғонгача бўлган йўлнинг икки томони яхши суғорилган ерлар бўлиб, кўм-кўк рангга буркангандир. Зарафшон водийсининг юқори қисми ерлари серҳосил бўлиб, сув билан яхши таъминланганлиги кўриниб турарди» [2,198-219]. Юқоридаги маълумотдан кўриниб турибдики, мавжуд давлатлар иқтисодий жиҳатдан катта салоҳиятга эга бўлган ушбу ҳудудни ўз тасарруфида ушлаб туриш учун доимий равишда интилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилояти аҳолиси кундалик турмушда асосан қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган. Самарқанд вилояти умумий аҳолисининг (1868–1870 йилларда) 1,3 фоизи, 1897 йилда эса, бор-йўғи 15,7 фоизи шаҳарларда истиқомат қилган. Вилоятнинг жами аҳолиси 1897 йилда 80,1 фоизни қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган. Шунингдек, савдо-саноатда ишловчилар 15,4 фоизни ташкил этган [3,310]. Демак, вилоят аҳолиси турмуш тарзи асосан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлиб, суғорма деҳқончилик аҳолининг асосий машғулоти бўлган.

Самарқанд вилоятдаги табиий-географик шароитлар турлича бўлгани туфайли қишлоқ хўжалигида хилма-хил сунъий суғориш усулларида кенг фойдаланилган. Масалан, экин майдонларига ҳовузларда сув тўплаш, канал ва ариқлар қазииш йўли билан сув келтиришган. Ариқ ва каналларга вилоятнинг асосий сув манбаси бўлган Зарафшон дарёсидан ёки ундан ажралиб чиққан Қорадарё, Оқдарё, Норпай ва бошқа сув тармоқларидан сув олинган. Бундай тадбирлар Самарқанд вилояти ерларининг серҳосил бўлишига имкон берган [4,65].

XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилоятининг асосий сув манбаи бўлган Зарафшон дарёсидан 56 канал қазилган бўлиб, улардан 42 таси Панжикент ва Самарқанд бўлимларини, 14 таси Каттақўрғон бўлимини суғорар эди. Ушбу каналлар орқали вилоят ҳудудидаги суғорилган ер майдонининг умумий ҳажми 9893,79 кўшга (1 кўш – тахминан 13,02 десятинага тенг) ёки 128818,75 десятинага (1 десятина – 1,09 гектарга тенг) тенг бўлган. Шу жумладан, Самарқанд бўлимида 7410,25 кўш ёки 96487,5 десятина ва Каттақўрғон бўлимида 2483,53 кўш ёки 32331,25 десятина ер майдони суғорилган. 1888 йил Зарафшон дарёсидан жами 142 та магистрал канал орқали сув олинган. Шундан 99 таси Самарқанд вилоятини, 43 таси Бухоро амирлиги ҳудудларини сув билан таъминлаган. Зарафшон воҳаси бўйича ҳаммаси бўлиб 1924 та, иккинчи даражали каналдан 985 таси Самарқанд ва 939 таси Бухоро қисмида жойлашган эди [5,202]. Бундан кўриниб турибдики, Россия империяси аввало Самарқанд вилояти, сўнг Зарафшон дарёсининг сув тақсимотини ўз тасарруфига тўлиқ олган.

Суғорма деҳқончиликда шох-шабба, чим, харсанг тошлар каби табиий ҳом ашёдан фойдаланиб, дарёнинг секин оқадиган жойларида тўғон ва сув айирғич каби бир қатор гидротехник иншоотлар қурилган. Шу сабабли вилоятнинг деҳқончилик қилинадиган ерлари серҳосил бўлиб, аҳоли пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Зарафшон воҳаси, хусусан Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигида экинларни экиш мавсумга қараб, икки хил экин нави етиштирилган. Биринчиси «тирамоий» ёки «оқ» - кузда экиладиган экинлар бўлиб, уларга арпа, буғдой, зиғир, кўкнори ва бошқалар кирган. Иккинчиси «кўк» - баҳор мавсумида экиладиган экинлар бўлиб, уларга жўхори, шоли, тарик, мош, нўхат, кўноқ, сабзи, пиёз, шолғом, тамаки ва бошқа турдаги экинлар кирган. Булардан ташқари, водийда ғўза, беда ҳам муттасил экилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Зарафшон округида ҳаммаси бўлиб 32 хил қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан, картошка ҳам етиштирилган [6,203]. Картошка экиш Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари каби Зарафшон округига ҳам русийзабон аҳоли томонидан олиб келинган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидан Зарафшон воҳаси, хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам суғориладиган

ерларнинг олинадиган ҳосилнинг унумдорлигини ошириш мақсадида деҳқонлар «алмашиб экиш» усулидан кенг фойдаланишган. Бунда бир экин экилган худудга маълум муддат бошқа экин экилмай, ерлар шудгор қилиб қўйилиб дам олдирилган. Масалан, вилоятнинг Булунгур туманида – Зарафшон дарёсининг юқори қисмида суғорилиши мумкин бўлган ерлар 5,5 минг гектарни ташкил этган. Шундан ҳар йили 3,2 минг гектарга яқин майдонга экин экилиб, деҳқончилик қилган, қолган ерлар дам олдирилган [7,16-17]. Бундан ташқари, бу худудда тупроқ унумдорлиги маҳаллий ўғит солиш ва экинлар турини алмашиб экиш йўли билан мунтазам равишда ошириб борилган.

Россия империяси ҳукмронлигининг ўрнатилиши оқибатида, Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигида асосан пахта етиштиришга катта эътибор қаратилган. Бунга сабаб, Россияда тўқимачилик корхоналарининг кўпайиши ва Туркистон пахтасига бўлган талабнинг кучайиши эди. Шунингдек, Туркистон ўлкасини, жумладан, Самарқанд вилоятини ҳам асосий пахта етказиб берувчи хомашё базасига айлантириш эди. Оқибатда, мустамлакачилар саноат корхоналари фаолияти янада кенгайиб борди.

И.М. Слущкийнинг маълумотларига кўра, XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд уездидаги Челақ, Янгиқўрғон; Каттақўрғон уездидаги Хўжариқ, Пайшанба, Дамариқ ва Калқўрғон бўлисликларидида иқлим шароити яхши бўлгани учун 1885-1900 йиллар мобайнида етиштирилган пахтанинг 75 фоизи биринчи навга, 25 фоизи иккинчи навга топширилган. Шунингдек, Самарқанд вилоятида деҳқонларнинг пахтадан оладиган даромади қишлоқ хўжалик экинлари ўртасида 4-ўринда тургани ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилган[8,55]. Вилоятда умумий экин ерларининг 1/15 қисмига пахта экилган (364.200 десятина ердан 24.280 десятинага тўғри келган)[9,68]. Умуман олганда, вилоятда пахта уч йил мобайнида экилиб, ер яхши ўғитланиб турилган. Сўнгра, беда ва бошқа ўсимликлар экилган. Бошқача қилиб айтганда, «алмашиб экиш» услубига қаттиқ эътибор берилган[10,174-175].

1889 йилги маълумотларга караганда, Самарқанд вилоятининг қишлоқ хўжалигида асосий пахта етиштириладиган худудлари Митан, Челақ, Каттақўрғон ва Хўжанд[11,109] ҳисобланган бўлса, 1900 ва 1908 йилларда Каттақўрғон, Самарқанд ва Жиззах уездлари асосий пахта етиштирувчи худудлар бўлиб

қолган. Каттақўрғон, Самарқанд ва Жиззах уездларида 1900 йил 472,282 пуд, 1905 йилда 651,285 пуд, 1908 йилда 585,724 пуд пахта ҳосили етиштирилган. Айти ҳолатда ҳосил бутун вилоятда етиштирилган пахтанинг ярмидан кўпроғини ташкил этган[12,177].

Самарқанд вилоятида пахта экиш 1888 йилдан 1908 йилгача бўлган давр мобайнида уч баробарга ошган. Агарда 1888 йилда пахта экиш майдонлари вилоятда 8 минг десятинани ташкил этган бўлса, 1907 йили 28 минг десятина, 1913 йилда 31,8 минг десятина, 1914 йилда 30,8 минг десятина, 1915 йилга келиб эса, 55,6 минг десятина[13,29], 1916 йилда 60,3 минг десятина, 1917 йилда 42 минг минг десятинани[14,178] ташкил этган.

Вилоятда терилган пахта ҳажми 1900 йилда 1.556.139, 1905 йилда 1.118.105, 1908 йилда 901.565, 1913 йилда 953.000, 1914 йилда 621.000, 1915 йилда 1.346.000, 1916 йилда 1.123.000, 1917 йилда 826.000 пудни ташкил этган[14,178]. Ушбу йиллар давомида етиштирилган асосий пахта ҳосили Россиянинг Европа қисмида жойлашган ва янги қурилаётган завод ҳамда фабрикаларга етказиб берилган.

Самарқанд вилояти аҳолисининг асосий озуқаси бўлган донли экинлар ҳам қишлоқ хўжалигида етиштиришда асосий ўринни эгаллаган. Вилоят худудида буғдой, арпа, жўхори, шоли каби экинлар кўплаб етиштирилган. Россия империяси босқинига қадар Бухоро амирлигига қарашли ушбу худудлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, буғдой, жўхори ва шоли кабилар билан ўз ички бозорини бемалол таъминлаган. Зарафшон округида қишлоқ хўжалигида буғдой асосан сентябрь - ноябрь ойларида экилиб, апрель ойида бир марта, май ойида икки марта суғорилган[16,202-203]. Сўнгра, июнь ойининг бошларида ҳосил йиғиштириб олинган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилояти деҳқонлари ердан бир йилда икки мартагача ҳосил олганлар. Кузги буғдой йиғиб олинган, полиз экинлари экилган. Полиз экинларини кузда йиғиб олиб, баҳорда пишадиган экинлар экилган. Баҳорда ҳайдалган ерларнинг бир қисмига буғдой, бир қисмига арпа экинлар. Буғдой уч мартагача суғорилган. Яхши ишлов берилган ва ўзлаштирилган ерларнинг бир танобидан 40 пуд буғдой, вилоят бўйича эса, бир танобдан ўртача 32 пуддан ҳосил олинган[17, 419-447]. Деҳқонлар арпа ва буғдойни йиғиштириб олганларидан сўнг, ерни экинга тайёрлаб

қўйганлар. Сўнгра, тарик, кунжут, сабзи, мош, ловия, нўхат кабилар экилган.

Ҳ.Зиёевнинг маълумотларига қараганда, XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкасида жами 2,057,008 десятина ер майдонида деҳқончилик қилинган. Бундан 824,903 десятина қисмига буғдой экилган. Аммо, Туркистон ўлкаси хусусан, Самарқанд вилоятида пахта монокультурасининг кучайиши оқибатида буғдой, асосан суғорилмайдиган лалми ерларда етиштирила бошланган[18,177-178]. Вилоятда деҳқонлар лалми ерлардан яхши ҳосил олиш учун буғдойни эрта ёки кеч пишарлигига катта аҳамият берган. Бунда, биринчи навбатда, об-ҳавонинг қандай келиши ва қулай жойга уруғ экилишига жиддий эътибор берилган. Об-ҳаво қулай келган йилларда яхши танланган жойда лалми буғдой экилган 1 десятина ер 100 пуд ва ундан ҳам ортиқ ҳосил берган. Ҳар бир десятина ерга экиладиган уруғлик миқдори 2-3 пуддан ошмаган. Бундай ерлардан олингани, обикор далалардан олинган буғдойга қараганда ҳаммиша бозорларда юқори нархда баҳоланган. Самарқанд вилоятининг шарқий ҳудудларида лалмикорлик ҳаммиша Зиёевуддин беклигидагига қараганда яхшироқ бўлган [19,41]. Бу эса маълум даражада вилоят миришкор аҳолисининг ўз хўжалигида деҳқончилик маданияти тараққий этгани билан изоҳлаш мумкин.

XIX асрнинг охирларида Зарафшон округи 13 та туманга бўлинган. Шундан Миёнқол туманида ариқлар жуда кўп бўлган. Бу ерда деҳқончилик гуллаб-яшнаган ва маҳсулот етиштиришда биринчи ўринда турган. Суғди калон ва Шовдор туманлари бу масалада Миёнқолдан кейинги ўринларни эгаллаган. Самарқанд ерларида пахта, буғдой, шоли, тарик, жўхори, арпа, зиғир, мош, нўхат экилган. Зарафшон округининг энг кўп маҳсулот берадиган тумани – Офарикент ҳисобланган[20,60].

Самарқанд вилояти сув манбаси билан етарли таъминлангани сабабли кўп сув талаб қилувчи шоли етиштириш ўзига хос тарзда йўлга қўйилган. Шоли Зарафшон округининг Шавдор, Широқ, Офарикент, Суғут, Каттақўрғон, Янгиқўрғон ва Пайшанба туманларида етиштирилган [21,203]. Бу ерда май ойида шоли экиладиган бир таноб ерга 2 пуд уруғлик экилиб, 90 кун давомида муттасил суғорилган. Ҳосил сентябрь ойининг охири - октябрь ойи давомида йиғиштирилиб, ҳар таноб ердан 32 – 80 пудгача ҳосил йиғиб олинган[22,76]. Вилоятнинг Самарқанд ва

Каттақўрғон уездларида шоли экиладиган асосий майдонлар Зарафшон дарёсидан ажралиб чиқадиган Оқдарё ва Қорадарё оралиғида жойлашган Миёнқол ерлари эди. Масалан, Самарқанд уездининг 26 та бўлисидан 21, Каттақўрғон уездининг 17 та бўлисидан 11 тасида ва Хўжанд уездининг 6 та бўлисида шоли экилган. 1907 йилда вилоятнинг суғориладиган 43513 десятина ерига шоли экилган. Шундан Каттақўрғон уездида 4112, Самарқанд уездида 36935, Хўжанд уездида 2466 десятинали ташкил этган. Бу эса, умумий суғориладиган ерларнинг Каттақўрғон уездида 6,2, Самарқанд уездида 14,3, Хўжанд уездида 8 фоизига тўғри келган [23,1-2]. Булардан ташқари, Зарафшон округида кўп сув талаб қиладиган зироатлардан жўхори, тарик, қўноқ, зиғир ҳам экилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида вилоятда боғдорчилик ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг ичида узумчилик биринчи ўринда турган ва катта даромад келтирган. А.И.Шахназаровнинг ёзишича, ўша даврда тахминан бир йилда Туркистон ўлкаси бўйича жами 19,282 десятина ердан 6,225,000 пуд ҳосил олинган. Шундан 5,197,000 пуди Самарқанд вилоятида етиштирилган[24,240]. 1894 йилда Россия империяси бозорларига Самарқанд вилоятдан 252979 пуд узум темир йўл орқали, 150000 пуд узум карвон йўли орқали олиб кетилган. Шунингдек, ўлкадан Россияга қуруқ ва ҳўл мевалар олиб кетишда ҳам Самарқанд вилояти муҳим ўринни эгаллаган. Масалан, 1907 йилда 10915 пуд тонна олхўри олиб кетилган. Қўритилган мева, айниқса, қора майиз тайёрлашда Самарқанд вилояти етакчи ўринда турган [25,146].

Умуман олганда, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Россия империяси Туркистон ўлкаси, хусусан, Самарқанд вилоятида ўзининг ҳукмронлигини ўрнатди. Ушбу ҳудудда мустамлакачилик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, у аграр сиёсатини амалга оширди. Самарқанд вилояти Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги йирик ирмоқлардан сув олиш имконияти мавжуд эди. Натижада, ҳудудда суғорма деҳқончилик анча ривож топди. Бироқ, ушбу муваффақиятлар кўпроқ мустамлакачиларнинг манфаати учун хизмат қилди. Вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Россия империясига олиб кетилди. Россия саноат корхоналарининг кўпайиши сабабли Туркистон пахтасига бўлган эҳтиёжи тобора ортиб борди. Оқибатда, Самарқанд вилоятининг суғориладиган

ерларида пахта етиштиришга ихтисослаштириш жадал суръатда ривожлантирилди. Бу эса, вилоят қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Туркистон ўлкаси, хусусан, Самарқанд вилоятида пахтачиликнинг бардавом кенгайиши, қишлоқ хўжалигига бир томонлама ёндашув оқибатида, XX асрнинг биринчи ўн йиллигида иқтисодий танглик юз берди [15,242]. Айни ҳолат нафақат деҳқонларни,

балки барча аҳолининг ижтимоий аҳволининг оғирлашишига олиб келди. Маҳаллий аҳолининг озиқ-овқат ва дон маҳсулотларига талаби кун сайин ортиб борди. Бозорларда эса нарх-наво тобора ошиб борди. Шундай қийинчиликларга қарамасдан, маҳаллий деҳқонлар имкон қадар кўплаб маҳсулот етиштириб, аҳоли талабини қондиришга ҳаракат қилди.

Адабиётлар:

1. Вирский Н.М. Виноградство в Самаркандском уезде. Самаркандского областного Статистического Комитета. – Самарканд, 1893.
2. Маевъ Н.М. От Ташкента до Катты-Кургана // Туркестанская сборник. -Т. 34.– СПб, 1870.
3. Курахмедов А.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилоятида иқтисодий ва маданий ҳаёт (“Туркестанский сборник” маълумотлари асосида). т.ф.н. дисс... – Самарқанд, 2001.
4. Мухаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Т.: Фан, 1972.
5. Ўша жой. – Б. 203.
6. Тошев Х. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Зарафон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши. – Т.: Фан, 1987.
7. Слуцкий И.М. Очерк хлопководства в Самаркандской области // Туркестанский сборник. -Т. 527. – Т.: 1909.
8. Курахмедов А.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилоятида иқтисодий ва маданий ҳаёт (“Туркестанский сборник” маълумотлари асосида). т.ф.н. дисс... – Самарқанд, 2001.
9. Зиёев Х.З. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.
10. Юлдашев А. Аграрные отношения в Туркестане (конец XIX – начало XX вв.). – Т.: Узбекистан.
11. Зиёев Х.З. Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.
12. Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. – Т.: Фан, 1973.
13. Зиёев Х.З. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.
14. Ўша жой...
15. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000.
16. Мухаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Т.: Фан, 1972.
17. Бродовский М. Заметки о земледелии в Самаркандском районе // Туркестанский сборник. – СПб., 1873. Т.57.
18. Зиёев Х.З. Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.
19. Тошев Х. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши. – Т.: Фан, 1987.
20. Пардаев К.К. Ўрта Зарафшон (Миёнқол) воҳасининг XIX – XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. т.ф.н.дисс... – Т.: 2003.
21. Мухаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Т.: Фан, 1972.
22. Курахмедов А.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилоятида иқтисодий ва маданий ҳаёт (“Туркестанский сборник” маълумотлари асосида). т.ф.н. дисс... – Самарқанд, 2001.
23. Культура риса и её экономическое значение в Самаркандской области // Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск IX. – Самарканд: 1907.
24. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – С-Пб. 1908.
25. Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Т.: Шарқ, 2001.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)